



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Н.Ў.Юлдошева

А.И.Мейлиев

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13913186>

Аннотация: Сунъий интеллектнинг ривожланиш тарихи, Қаерда ва кимлар томонидан изланиўлар олиб борилган ва қандай натижаларга эришилганлиги туғрисида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Ҳисоблаш техникаси, интеллект, сунъий интеллект, рационал билиш.

Сунъий интеллект ҳақидаги тасаввур ва бу соҳадаги изланишлар — «ақлий машиналар» ишлаб чиқаришга илмий ёндошиш биринчи бўлиб Станфорд университетининг (АҚШ) профессори Джон Маккарти ташаббуси асосида 1956 йили ташкил топган илмий тугарақда пайдо бўлди. Бу тугарақ таркибига Массачусет (АҚШ) технология олийгоҳи «Электроника ва ҳисоблаш техникаси» куллиётининг фахрий профессори Марвин Минский, «масалаларни универсал хал қилувчи» ва «мантиқий назарийчи» интеллектуал (ақлий) программалар бунёдкори — кибернетик Аллен Ньюэлл ва Карнеги-Меллен дорилфунунининг (АҚШ) машхур психологи Герберт Сейман, ҳисоблаш техникасининг кўзга кўринган мутахассислари Артур Семуэль, Оливер Сэлфридж, Маншенон ва бошқа-лар кирар эдилар. Айнан шу тугарақда «Сунъий интеллект» тушунчаси пайдо бўлди. Маърузанинг асосий мазмунига киришишдан аввал «сунъий интеллект» (СИ), умуман «интеллект» ҳақидаги тушунчани аниқлаб олишимиз керак. Бу тушунчани оддий қоида асосида тушунтириш мумкиндек туюлади, лекин биз бунга кила олмаймиз. Чунки, ҳозирча «интеллект» ва «СИ» ҳақида бирон- бир аниқ фикр йўқ. Бу тушунчани турли фан соҳаларида ижод қилувчи олимларнинг талкин қилишлари турлича, фикрлашларида яқдиллик йук. Шу сабабли бу тушунчаларнинг мазмунини уқувчига тушунтириб беришга ҳаракат киламиз. «Интеллект» сўзи латинча «intellectus» сўзидан келиб чиккан бўлиб, у билиш (аниқлаш), тушуниш ёки фахмлаш (ақл) маъносини беради.

«Интеллект» сўзини аниқловчи, психологлар тузган учта тушунчани (Катта совет энциклопедияси ва Вестернинг америка лугатидан олинган) келтирамиз. Бу тушунчалар «интеллект» тушунчаси мазмунини аниқлаш учун ёрдам беради. Интеллект — фикрлаш қобилияти, рационал билиш ва



шунга ухшаш. Умумий холда эса фикрлаш, шахсни ақлий ривожланиши синоними бўлиб хизмат қилади. Интеллект (ақл) — уз хулкини созлаш йули билан хар қандай (айникса янги) холатга етарли баҳо бериш қобилияти. Интеллект — турмушдаги далиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш қобилияти. Бу қобилият белгилан-ган мақсадга эришишга олиб борувчи харакатларни ишлаб чиқиш учун керак бўлади. Юқорида аниқланган «интеллект» тушунчасидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, яъни интеллект фақат инсонларга тегишли ва одам ақлий қобилиятининг узига хос ўлчовидир. Психологлар шундай махсус усуллар яратдиларки, бу усуллар ёрдамида тажриба орқали одамнинг интеллектуал (ақлий) даражасини аниқлаш мумкин бўлди. Натижада шу нарса аниқландики, интеллектнинг индивидуал даражаси ўртасидан сурилиши (оғиши) одамнинг физик имкониятлари даражаси кабидир. Агар ўртача ақлий қобилият 100 балл деб қабул килинса, у холда ута қобилиятли инсонларда бу кўрсаткич 150, 180, хаттоки 200 баллга етиш мумкин. Америкалик шахматчи, жaxon экс-чемпиони Роберт Фишернинг бу кўрсаткичи 187 балл бўлган, XIX аср ярмида яшаган англиялик мантиқчи Джон Стюарт Милл уч ёшидаёк қадимги юнон тилида гапира олган ва унинг кўрсаткичи 190 баллгача борган. Шунини қайд қилиш лозимки, эволюция даврида интеллект бирмунча бир текис, инкилобий ривожланиш давридан токи замонавий инсон интеллекти пайдо булгунга қадар бўлган даврни босиб ўтган. Интеллектнинг эволюцион ривожланиши берилган босқичдан бирмунча юқори принципиал, аъло даражадаги ташкил топган босқичга ўтиш билан давом этади. Шунинг учун жамиятнинг турли ривожланиш босқичларида яшаган инсонларнинг интеллектини бир-бирига солиштириб бўлмайди.

Адабиётлар:

1. Дивеев А. И., Софронова Е. А. “Основы генетического программирования Учебно-методическое пособие” - М.: Изд-во РУДН, 2006;
2. Васенков Д.В. Методы обучения искусственных нейронных сетей //Компьютерные инструменты в образовании. — СПб.: Изд-во ЦПО "Информатизация образования", 2007, №1, С. 20-29.